

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СЕЙТБЕКОВ АДИБАЙ БАТИРБЕКОВИЧ

**К.РАХМАНОВ ИЖОДИДА ЭПИК ВА ДРАМАТИК
АСАРЛАР СИНТЕЗИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Сейтбеков Адилбай Батирбекович

К.Рахманов ижодида эпик ва драматик асарлар синтези..... 3

Сейтбеков Адилбай Батирбекович

Синтез эпических и драматических произведений в творчестве
К.Рахманова..... 23

Seytbekov Adilbay Batirbekovich

Synthesis of epic and dramatic works in the works of K.Rakhmanov..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СЕЙТБЕКОВ АДИБАЙ БАТИРБЕКОВИЧ

**К.РАХМАНОВ ИЖОДИДА ЭПИК ВА ДРАМАТИК
АСАРЛАР СИНТЕЗИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil769 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Оразымбетов Қуёанышбай Келимбетович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович
филология фанлари доктори, профессор

Мамбетова Мехрибан Камаловна
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел:(99861)223-59-25, факс:(99861)223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Абдиназимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д.,
профессор

Г.Е.Карлыбаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

Қ.К.Жаримбетов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида синтез, хусусан, эпик ва драматик асарлар синтези масаласи тушунчасини янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, алоҳида ёзувчи ҳар бир асарининг поэтик ўзига хослиги ва бадиий ижоди ички тадрижини ҳаёт ҳақиқатини бадиий композицияга айлантириш маҳорати нуқтаи назаридан хусусий ва тарихий поэтика йўсинида яхлит адабий жараён контекстида ўрганиш ҳамиша муҳим ва долзарб саналиб келган. Шу маънода, қорақалпоқ адиби К.Раҳмановнинг эпик ва драматик асарлари даврлар мобайнида адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган, жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган асарлар сирасига киради. Ёзувчи, шоир ва драматург К.Раҳманов эпик ва драматик асарлари синтези, адабий таъсир доираси, бадиий сўз санъати, услуб, композиция, сюжет, образ поэтикаси негизида умумлаштириш жаҳон адабиётшунослигининг асосий масаласи ҳисобланади. Жаҳон адабиётшунослигида кенг қўлланилиб келинаётган тарихий маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва аналитик методлар асосида XX асрда шаклланиб, камолга етган, дунё адабиётининг энг илғор эпик ва драматик синтез масаласи анъаналарини маълум даражада ижодий ўзлаштириш қорақалпоқ адабиётшунослигида тараққий этиб келмоқда.

Дунё адабиётшунослигида реал воқеликни поэтик композицияга айлантириш, сюжет ва композицион яхлитлик, эпик ва драматик синтез, тафаккур ва услубий ўзига хослик, баёнчи «мен» образи, адибнинг инсон, жамият ва борлиқ билан диалогик муносабатга киришуви сингари муаммоларни комплекс тадқиқ этиш ҳамда умуминсоний ғоялар бадиий талқини юзасидан назарий умумлашмалар чиқариш йўсинидаги интилишлар нисбатан кучайгани мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётшунослигида эпик ва драматик асарлар поэтикаси муаммосининг илмий-амалий жиҳатларини тўғри белгилашда адабий назарий таҳлилларнинг жаҳон тажрибасида синалган илғор услларини қўллаш орқали давр ва ижодкор услуби, жанр тақомилини аниқлаш, қорақалпоқ адабиётшунослигидаги бадиий ижод ва ижодкор маҳоратининг узвийлиги, ёзувчи маҳоратининг бадиий асарда воқеланиши асослари, ўзига хос тил, шакл, ижодкор сажиясига боғлиқ жиҳатларини таҳлил ва тадқиқ этишга эътибор ортди.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислохотлар жараёнида миллий маънавият жамиятда ҳар томонлама комилликка эришиш туйғуларини тарбиялашга хизмат қилиб, «адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор.»¹

¹Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” / Халқ сўзи, 2017, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-47-97-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш туғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПК-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури туғрисида»ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ 3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғриси” ги, 2019 йил 7 июньдаги ПҚ 4354-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш туғрисида» ги, 2019 йил 4 октябрь «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш туғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида эпик ва драматик синтез масалалари рус адабиётшунослик илмида Е.Добинин, М.Кургинян, А.Колганова, Л.И.Тимофеев, Г.Н.Поспелов ² илмий изланишларида бир қатор жиҳатлардан тадқиқ этилган.

Ўзбек олимларидан Ч.Ниятов, И.Султан, Х.Абдусаматов, Б.И.Саримсоков, Х.Умуров, Э.Худайбердиевларнинг³ назарий мушоҳадалари бу борада тадқиқотимиз назарий асосларини белгилашга хизмат қилади.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида эса З.Насруллаева, К.Султанов, А.Насруллаева, М.Нурмухамедов, Ж.Нарымбетов, А.Кожыкбаев, С.Бахадырова, К.Камалов, Ж.Есенов, Т.Курбанова, К.Жаримбетов, К.Оразымбетов, П.Нуржанов, Х.Отемуратова⁴ ва бошқа мутахассислар илмий изланишларида масала моҳияти диққат марказида туради.

² Добинин Е. Герой. Сюжет. Деталь. – М.: Советский писатель, 1962; Кургинян М. Формы художественного анализа личности в прозе. Гуманизм в советской литературе. – Москва, 1982; Колганова А. Новые дороги литературных героев. – Минск, 1990; Крупчанова Л.М. Введение в литературоведение –Москва, Юрайт, 2016; Л.И.Тимофеев, Основные теории литературы. – Москва, МГУ, 1976; Поспелов Г.Н. Литературный процесс. – Москва, МГУ, 1981.

³ Ниятов Ч. Проблема характера в современной прозе. (На материалах узбекской прозы). – Ташкент, 1975. Султан И. Адабиёт назарияси, – Т. Ўқитувчи, 1986. Абдусаматов Х. Драма назарияси. -Ташкент, Гафур Гулом, 2000. Саримсоков Б. И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. -Ташкент, 2004. Умуров Н. Адабиётшунослик назарияси. -Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. -Тошкент, 2003.

⁴ Насруллаева З. Ўдебий қаҳарман. -Нөкис, Қарақалпақстан, 1988. Султанов Қ. Қарақалпақ прозасында тип ҳам характер. -Нөкис, Қарақалпақстан, 1988; Султанов Қ. Прозаның раўажланыў жоллары. –Нөкис.,

Адиб ижодининг турли кирралари С.Ахметов, Т.Алланазаров, Қ.Султанов, Ө.Насруллаевлар⁵ илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Умуман, қорақалпоқ насри ва драмаси жорий кунда ўз тараққиётининг ойдин йўлига чиқиб олди. Тўпланган тажриба ва поэтик анъана силсиласида халқимиз тарихи батафсил ёритилиб, даврлар мобайнида ранг-баранг киёфада қаҳрамон образлари яратилди. Бироқ масаланинг назарий талқини қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳанузгача жиддий тадқиқ қилинмаган.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида Т.Қайипбергенов, К.Мамбетов, Ш.Сейтов, К.Султанов, О.Абдирахманов каби адиблар ижодида халқ руҳияти ифодаси кеча – бугун – эртага яхлитлигида жилоланади, ўзига хос талқинда қорақалпоқ миллий характери, турмуш тарзи, урф-одат ва асрий анъаналари акс этади. Эпик тасвир ҳар хил ғоявий мавзу йўналишлари ва турлича тасвир усуллари бир-бирига улайди, ҳар бир ёзувчи ўз иқтидори, билими, маҳоратидан келиб чиққан ҳолда давр кайфиятини холис кўрсатишга ҳаракат қилган. Албатта, ушбу изланишлар илмий жамоатчилик томонидан баҳоланган. Хусусан, академик М.Нурмухаммедов XX аср қорақалпоқ насри ривожланиши тадрижи, миллий проза тараққиётига рус адабиётининг таъсири масаласини, Қ.Султанов наср ривожланиш йўллари, Ж.Наримбетов, А.Қожикбаевлар⁶ қорақалпоқ романларини монографик йўналишда таҳлил этганлар. С.Баҳадирова тадқиқоти халқ оғзаки ижоди ва ҳозирги қорақалпоқ насрининг ўзаро муносабатларига бағишланган. З.Насруллаева 60-70-йиллардаги қорақалпоқ насрида характер масаласини ўрганган. Шунингдек, қорақалпоқ адабиётида қисса жанри тақомили моҳияти Қ.Камалов, қорақалпоқ қиссаларида қаҳрамон характерини очиш омиллари, образ руҳияти сифати Ж.Есенов⁷ тадқиқотларида таҳлилга тортилади. Тадқиқотчи Т.Қурбанбаева илмий талқинида эса романларда сюжет, композиция ва характер узвийлиги масаласи тадқиқ этилган⁸.

Назарий тадқиқотларда, асосан, қорақалпоқ насри вужудга келган пайтдан XX асрнинг 80-йилларигача бўлган даврда яратилган асарлар таҳлил

Қарақалпақстан, 1977; Насруллаева А. Проблема типа и характера в современной каракалпакской прозе. - Нукус, Каракалпақстан, 1984; Нурмухаммедов М. Шығармалары еки томлық. -Нөкис, Қарақалпақстан. 1983-1985-ж; Нарымбетов Ж. Каракалпакский роман. -Ташкент, 1977; Қожықбаев Ө. Қарақалпақ романы. - Нөкис, 1977; Бахадырова С. Роман ҳам дәуір. -Нөкис, Қарақалпақстан, 1978; Камалов Қ. Қарақалпақ повести. -Нөкис, 1978; Есенов Ж. Шеберликтің сырлары. -Нөкис, 1985; Курбанбаева Т. Сюжет и композиция в современной каракалпакской прозе. -Ташкент, 1991; Жәрімбетов Қ. XIX әсир каракалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳам раўажланыў тарийхы. -Нөкис, Билим 2004; Оразымбетов Қ. Ҳәзирги каракалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы ҳам типологиясы. -Нөкис. Билим, 2004; Нуржанов П. Ғәрезсизлик дәуіріндеги каракалпақ прозасы. -Нөкис, 2003; Өтемуратова Х. Қаракалпақ тарийхый романларының поэтикасы. -Нөкис, Қарақалпақстан 1997.

⁵ Ахметов С. Талантқа талап. -Нөкис, Қарақалпақстан 1986. Алланазаров Т. Театр ҳам драматургия. -Нөкис, Қарақалпақстан, 1982., Султанов Қ. Прозаның раўажланыў жоллары. -Нөкис., Қарақалпақстан, 1977., Насруллаев Ө. Жолмурза Аймурзаевтың драматургиясы. -Нөкис, Қарақалпақстан, 1977.

⁶ Нурмухаммедов М. Шығармалары II том. -Нөкис, Қарақалпақстан, 1985., Султанов Қ. Прозаның раўажланыў жоллары. - Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Нарымбетов Ж. Каракалпакский роман. - Ташкент, 1977; Қожықбаев Ө. Қарақалпақ романы. - Нөкис, 1977.

⁷ Бахадырова С. Роман ҳам дәуір. - Нөкис: Қарақалпақстан, 1978; Насруллаева З. Проблема типа и характера в современной каракалпакской прозе. - Нукус: Каракалпақстан, 1984; Камалов Қ. Қаракалпақ повести. -Нөкис, 1978; Есенов Ж. Шеберликтің сырлары. - Нөкис, 1985.

⁸ Курбанбаева Т. Сюжет и композиция в современной каракалпакской прозе. -Ташкент, 1991.

килинган. Бироқ мустақиллик даври қорақалпоқ насри ҳали махсус ўрганилмаган. Фақат айрим мутахассислар илмий ишларида мустақиллик даври насри ўзига хос адабий тур сифатида ўрганилиб, унга муайян муносабат билдирилган.

Бугунги кунда адабий турлар орасида шеърининг назарий моҳияти нисбатан муфассал ўрганилган. Жумладан, Қ.Жаримбетов қорақалпоқ лирикасининг жанр хусусиятлари ва унинг тарихий ривожланиш йўлини ўрганган бўлса⁹, Қ.Оразимбетов қорақалпоқ лирикасида бадиий шакл назарий тақомилига эътибор қаратади¹⁰. Мавжуд монографияларда лирика жанри специфик хусусиятлари, ички тараққиёти ва шаклий-услубий тадрижи таҳлилланади.

Миллий наср жанрларини адабий тур сифатида ўрганиш борасида П.Нуржанов,¹¹ Ҳ.Отемуратовалар¹² тадқиқотлари юзага келди. Жорий илмий изланишларни мустақиллик даври қорақалпоқ насри тарихий тараққиётини ўрганишдаги асосий манбалар тарзида баҳолаш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоқ адабиёти кафедрасида «Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ва қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Ҳозирги давр филология назарияси ва методикасининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади К.Раҳмановнинг эпик ва драматик асарларини талқин қилиш, адиб ижодида ифода ўзига хослигини аниқлаш, бир турдаги бадиий асарни иккинчи турга трансформациялаш ва синтезлаш тажрибаси натижаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

К.Раҳманов ижодида эпик ва драматик асарлар трансформацияси масаласини ҳозирги адабиётшунослик талаблари асосида назарий жиҳатдан белгилаш;

Адиб ижоди жанрий тараққиётини белгилаш ва адиб асарларида адабий турлараро синтезни қиёслаш;

эпик талқинда драматик кескинликни тавсифлаш орқали драматик талқинда эпик миқёс тафовутини аниқлаш;

Адиб насрий ва драматик асарларининг қорақалпоқ адабиётини ғоя ва мавзу жиҳатидан бойитишдаги ўрни ва моҳияти аниқлаш;

К.Раҳмановнинг пьесаларида қаҳрамонлар динамикасини кузатиш, уларнинг тузилиши жиҳатидан ўзига хосликларини қиёсий-типологик йўналишда баҳолаш.

⁹ Жаримбетов Қ. XIX асир қарақалпақ лирикасиның жанрлық қасийетлери хәм раўажланыў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004..

¹⁰ Оразымбетов Қ. Ҳазирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хәм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004.

¹¹ Нуржанов П. Ғәрезсизлик дәўириндеги қарақалпақ прозасы. –Нөкис, 2003.

¹² Отемуратова Х. Қарақалпақ тарийхый романларының поэтикасы. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1997.

Тадқиқотнинг объекти. Диссертацияда К.Рахмановнинг «Ақибет» (Нукус, 1993), «Туңғыш муҳаббат» (Нукус, 2004), «Пайғамбар жасындағы күйеу» (Нукус, 2010) романлари, «Таң ашығы» (Нукус, 1978), «Өмир, сен уллысаң» (Нукус, 1981), «Туңғышымыз қыз болса» (Нукус, 2012) шеърый тўпламлари, «О дўньяға мирэт» (Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикий драма театри репертуар фонди. 1975-80-йиллар), «Жаралы жүреклер» (Трагедия. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикий драма театри репертуар фонди. 1977), «Лаққылар емлеўханада» (Мусикий комедия. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикий драма театри репертуар фонди. Режиссёр варианты. 2007) пьесалари тадқиқот объекти вазифасини бажаради.

Тадқиқотнинг предметини К.Рахманов ижодида эпик ва драматик жанрлар синтези, адабий талқин умумий моҳиятини белгилаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ҳамда бадиий-эстетик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

XX аср қорақалпоқ адабиётининг ёрқин намояндаси К.Рахманов ижодида эпик ва драматик асарлар трансформацияси масаласи ҳозирги адабиётшунослик талаблари асосида назарий жиҳатдан белгиланган;

бир адабий турдаги асарни иккинчи турга қайта ишлашда муаллиф бадиий дунёқараши ва поэтик маҳоратининг ортиб бориши ўз-ўзига адабий таъсир нуқтаи назаридан қиёсий аспектда кўрсатиб берилган;

бадиий-адабиётда бир турдаги асарни иккинчи турга мослаштириш ёки қайта ишлаш ўзини қайдаражада оқлаши масаласига муносабат билдирилган;

К.Рахманов насрий ва драматик асарларининг қорақалпоқ адабиётини ғоя ва мавзу жиҳатидан бойитишдаги ўрни ва моҳияти аниқланган;

бадиий-адабий синтез натижасида пайдо бўлган янги асарларнинг поэтик қиймати белгиланиб, уларнинг тузилиши жиҳатидан ўзига хосликлари қиёсий-типологик йўналишда баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

К.Рахманов ижодининг ўзига хослиги сўнги давр адабиётшунослигидаги янгича илмий-назарий қарашлар асосида ёритилган;

адиб асарларида эпик ва драматик асарлар синтези, шунингдек, асарларнинг жанрий ўзига хослиги, қаҳрамон образини яратиш хусусиятлари кўрсатилган;

К.Рахмановнинг эпик ва драматик асарларидаги ғоявий мазмун, уларда илгари сурилган ғояларнинг маънавий-ахлоқий, этик-эстетик тақомилида муҳим аҳамият касб этилиши аниқланган;

тадқиқот материаллари асосида XX аср қорақалпоқ насри ва драматургияси янги илмий маълумотлар билан тўлдирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келадиган, мантиқан бир-бирига боғланган қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ҳамда бадиий-эстетик таҳлил методларидан

фойдаланилганлиги, унда қўлланилган назарий, адабий-бадий материаллар ишончли манбалардан олинганлиги, илмий хулоса ва тавсиялар амалиётда кенг татбиқ этилганлиги, олинган натижалар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ адабиётшунослигида эпик ва драматик асарлар синтези масалалари юзасидан тадқиқотлар олиб боришда, илмий тадқиқотларни янгича нуқтаи-назардан таҳлил қилишда муҳим назарий аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материаллари «XX аср қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Адабиётшунослик асослари» ҳамда «Адабиёт назарияси» сингари олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар моҳиятини такомиллаштириш ва тўлдиришга хизмат қилиши билан ўлчанади. Диссертация материалларидан академик лицей ва умумтаълим мактаблари учун дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланилиш мумкин.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ адабиётида эпик ва драматик асарларнинг трансформацияси ўзига хос хусусиятлари ва ижодкор бадий маҳоратини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

жанрлар трансформацияси ва синтези масаласида К.Рахманов ижодий маҳоратининг намоён бўлишидаги ўзига хосликлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилаётган ФА-ФА-0-4349 «Қорақалпоқ фольклор ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти 2012-2016 йил 22 июндаги 17.01\65-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларнинг қўлланилиши натижасида К.Рахмановнинг ижодий индивидуаллиги ва бадий маҳорати бўйича қарашлар янада ойдинлаштирилган;

К.Рахманов адабий меросининг миллий ўзликни англашдаги аҳамияти ва улар яратган образларнинг ёш авлод маънавий оламини бойитишдаги ролига доир илмий хулосалардан «Қорақалпоғистон» телерадиокомпаниясининг 2016 йил февраль-март ва 2017 йил октябрь ойларидаги «Мерос», «Ассалому алейкум, Қорақалпоғистон!» кўрсатувлари ҳамда «Адабиёт ва давр» маданий-маърифий эшиттиришларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 июндаги 01-02/112-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кенг халқ оммасининг бадий адабиётга қизиқишини янада кучайтириш ва китобхонлик маданиятини ўстиришга хизмат қилган;

тадқиқот иши материалларидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими мусасалари хизматини методик таъминлаш ва ташкиллаштириш бўлимига қарашли Нукус шаҳар 27, 34, 36 сонли ва Нукус тумани 1, 6, 21, 30, 31 сонли умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнига татбиқ

этилиб, ижобий натижаларга эришилди. 2016 йилдан умумий ўрта таълим мактабларининг 9 синфларида ўқитиладиган «Қорақалпоқ адабиёти» дарсларида адабиётга оид мавзуларнинг мазмунини такомиллаштиришда амалий ёрдам бериши аниқланган. (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 02-01/2-1706-сон маълумотномаси). Шу орқали К.Рахмановнинг қорақалпоқ адабий муҳитидаги ўрни, ижодининг ўзига хослиги, эпик ва драматик асарларида яратилган қаҳрамонлар образининг комил инсон тарбиясидаги роли ва аҳамияти бўйича тавсиялар амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуман, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 7 та илмий мақола чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 мақола, шундан, 5 мақола республика, 2 мақола хорижий давлатлар журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Адабий турларнинг бир-бирига таъсири масаласи**» дея номланади. биринчи бобида жаҳон ва қорақалпоқ адабиётшунослигида шаклланган назарий қарашлар ва мушоҳадалар, методологик аҳамиятга эга илмий ёндашувлар таҳлил қилиниб, уларга позитив муносабат билдирилади.

Машҳур адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Камал Мамбетов адабиёт назарияси фани ва унинг ривожланиш тарихини қуйидагича тавсифлайди: «Адабиётнинг ўзига хос хусусияти, унинг жамият олдидаги мажбурияти, шунингдек, бадиий асар танлови йўналишлари ва методологияси, адабий жанрлар ва унинг турлари, шеър тузилиши, тил ва

услуг, адабий оқим ва йўналиш, бадиий образ, тип ва характер, воқеаларнинг узвий алоқадорлигининг барчасини текширади»¹³.

Шундай экан, ҳар бир ёзувчи, драматург ўз даври вакили ва яратилган асар маълум бир даврдаги ижтимоий ҳаётнинг умумлашган бадиий образли ифодаси саналади. Шу тарихий-эстетик тамойиллардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоиз, қорақалпоқ адабиёти ҳам асрлар мобайнида сайқал топиб, ривожланиш палласига кирди, жанрий турлар ички тараққиётга эришди. Бадиий адабиёт ўз такомили давомида жаҳон бадиий сўз санъатида кузатилган ҳар хил янгиланиш жараёнларини бошдан кечирди. Адабиётдаги шундай жараёнларнинг бири адабий турларнинг синтези ёки бир адабий тур асосида бошқа адабий турдаги асарларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Буни муаллиф мақсадли асосда, бир адабий турда айтолмаган ғояларини бошқа адабий турда айтиш учун ўз асарини бошқа турга қайта ўгириши ёки бирор-бир асар асосида (кўпинча эпик асарлар) драматик талқин ҳосил қилади.

Шунингдек, бобда қорақалпоқ адабиётида адабий жанрлар пайдо бўлиши, уларнинг ривожланиши давомида бир-бирига ўтказадиган таъсири масаласи жиддий ўрганиб чиқилган.

XX асрда қорақалпоқ адабиёти жанрий жиҳатдан турларга ажралди. Миллий адабиёт жаҳон адабиёти билан мустаҳкам алоқага киришиб, жанрий тажрибаларни ўзлаштирди. Адабиётда аввал кузатилмаган адабий турлар, жанрий шакллар пайдо бўлди. Жумладан, драматургия, роман, лирика жанрлари ўзлаштирилиб, бадиий адабиётда барқарорлашди. Шундай янгиланишлардан бири қорақалпоқ адабиётида қоришиқ, яъни мураккаб жанрлар шаклланиши ҳисобланади. Бир асарда бир нечта жанрларнинг бадиий имкониятларидан қорақалпоқ ёзувчи, шоирлари ҳам унумли фойдалана бошлади. Янги жараён XX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, шеърятда яхшироқ кўринади. Жумладан, лиро-драматик, лиро-эпик поэмалар аксар шоирлар ижодида учрайди. Шунингдек, бу даврда айрим эпик асарлар драматик турда қайта ишланиши ҳам кўзга ташланади.

Эпик талқинда инсон қисмати кенг таҳлилланиб, унинг руҳияти маиший ҳаёт билан қоришиқ тасвирланади. Қорақалпоқ адабиётида эпик жанрнинг роли катта. У қадимги даврлардан бошлаб дастлаб фольклорда ривожланган бўлса, XX асрдан бошлаб ёзма адабиётда эпик тур барча жанрлар такомилига йўл очди. Эпик жанрдаги аксар ижод намуналари бошқа тилларга ўгирилиб, қорақалпоқ бадиий адабиётини жаҳонга танитди.

Драматик тур тадрижи тўғрисида айтиш мумкин, уни адабиётнинг бир тури сифатида биламиз. Бироқ у сахнада қўйилиши жиҳатидан эпик ва лирик адабий турдан ажралиб туради. Бинобарин, драмада ҳар бир образ, ўз характери, тили ва тана ҳаракатлари (мимика, қўл ҳаракатлари, пластика) орқали очилади. Унда муаллиф нутқи бўлмайди, реал воқелик батафсил тасвирланмайди, асардаги қаҳрамон ҳаёти муҳим қирралари тавсифланиб,

¹³ Мамбетов К. Эдебият теорияси. – Нөкис: Билим, 1995. - Б. 20.

драматург барча воқеаларни бир нуқтага йиғади, кичик штрихларда катта маъно очиб берилади.

Эпик жанрларда персонажлар қатти-ҳаракати ва руҳий кечинмалари кўпроқ муаллиф нутқи орқали очиб берилади. «Ҳар бир жанр бўлаётган воқеаларнинг характери, мавзуси, тасвир усули ва тамойилларига қараб, кичик гуруҳларга бўлинади. Булар шартли равишда жанр ички гуруҳи дея аталади. Жумладан, «роман жанри тасвирланган воқелик хронологиясига мувофиқ тарихий роман, замонавий роман, мавзуси бўйича: ишқий роман, маиший роман ва ҳоказо. Достонлар эса, характериға кўра, қаҳрамонлик достонлари, жаҳонгирлик, мардлик сингари ички турларға бўлинади»¹⁴.

К.Раҳманов таниқли қорақалпоқ шоири, ёзувчиси, драматурги. У адабиётимизға ўтган асрнинг 60-йилларида шоир сифатида кириб келади. «Саған асығаман», «Өмир толғаныслары», «Өмир, сен уллысан», «Ўатан муҳаббаты менен» сингари шеърый тўпламлар муаллифи. Шоир сифатида ўзининг услубига, тасвир усулиға эға бўлди. Муаллифнинг лирик асарларида баъзида туйғудан кўра фикр устуворлиги, лирик қаҳрамон объектға мурожаатида деталлар қатнашиши, уларни муқояса қилиш ва шу орқали ўқувчига мушоҳадани етказиб бериш каби усуллар кўпроқ учрайди. Муаллиф ижод асосида тўртликлар, олтиликлар, саккизликлар, ўнликлар сингари кичик лирик шакллар яратди.

К.Раҳманов ёзувчи сифатида ҳам ўқувчиларға яхши таниш. Унинг кўплаб ҳикоялари қаторида «Айралық қосығы», «Өмир ҳам өлим», «Нөсер» қиссалари, «Ақыбет», «Тунғыш муҳаббат», «Пайғамбар жасындағы күйеў» романлари мавжуд. Ёзувчи қиссалари жиддий муваффақиятға эришганлигини эътироф этиш жоиз. Жорий ҳолат муаллиф оралик эпик жанр табиатини пухта билиши, бадий шакл табиатини яхши ўзлаштирганини кўрсатади. «Ақыбет» романи «О дүньяға мирәт» пьесаси асосида қайта ишланган роман. Бу роман тўғрисида ҳам, кейинги икки роман тўғрисида ҳам салмоқли фикр айтиш қийин. Муаллиф бу романлари мажбурият асосида ёзилгандек туюлаверади.

Драматург сифатида эса муаллиф ўз маҳоратини кўрсата олди. У ўтган асрнинг 70-80-йиллари қорақалпоқ адабиётида моҳир драматурглардан бири сифатида кўзға ташланади. Драматург «Келин», «Раҳмет, келин», «Жаралы жүреклер», «Егленген бәхәр», «Тоғыз тоңқылдақ бир шиңкилдек», «О дүньяға мирәт», «Лаққылар емлеўханада», «Едиге», «Мамамның жетинши байы», «Ынжықтың муҳаббаты», «Ат қазығын айланып», «Көдирең гүллер», «Абыйға бабый», «Өлим жазасы», «Ҳаял тәдири», «Яр дийдары», «Пайғамбар жасындағы күйеў» сингари пьесалари бор. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам мукамал асарлар бўлмаганидек драматургиянинг нодир намуналари ҳам учрайди. Улар жанрий томондан ранг-баранг. Муаллиф драматургиянинг комедия, драма, трагедия жанрларида ижод қилди. Бу жиҳат муаллиф драматург сифатида шаклланишини кўрсатади.

¹⁴ Алланазаров Т. Театр ҳам драматургия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982. - Б. 139.

«Драматик образ – эпик ва лирик образлардан жиддий фарқ қилади. Драматик образ фақат сахнадагина яшайди. Негаки, драматик асар сахна учун бўлганидан барча воқеалар кўз олдимизда бўлаётгандай кўринади, карама-қарши ҳолатлар персонажлар бир-бири билан мулоқоти, зиддиятлари асосидагина актёр рол ўйнаши билан бизга таъсир ўтказади.

Шунингдек, қуйидаги ҳолатга эътибор бермаслик мумкин эмас, роман, қиссалар маълум бир даврнинг ҳақиқатини эркин ҳолда баён қилади, тасвирлайди, ҳар хил сюжет чизиқларини таҳлил қила олади, муаллиф ўз номидан ёки қаҳрамон тилидан тасвирлаб бериши, гоҳида асардаги воқеага (масалан, поэма) аралашishi ҳам мумкин. Драматик образда бу йўқ, бутун бир даврнинг манзараси 1-2 соат ичида актёрларнинг хизмати билан худди шу вазиятда бўлаётгандек берилади»¹⁵.

К.Рахмановнинг бир турдан иккинчи турга қайта ўгирган асарларини шу нуқтаи назардан баҳоласак, уларнинг бадиий аҳамияти маълум бўлади. Жумладан, муаллиф бир қатор эпик асарларини драматик жанрга қайта ўгирганида воқеаларни асос қилиб бориб, ундаги ҳар бир персонаж образларини баён билан эмас, драма тури талабларига асос – уларнинг нутқи, ҳолат-ҳаракатлари воситасида очиб бера олган. Эпик асарлардаги айрим персонажларнинг пьесада қатнашмаслиги, аксинча, пьесада янги персонажлар пайдо бўлишига қандай ижодий ният асос бўлганини мазкур бобнинг махсус бўлимида уларни таҳлил қилиш орқали жавоб берилган.

Ёзувчи қаҳрамонларнинг нутқий хусусиятларини қисқа ва лўнда мулоқот шакли, суҳбатлар, диалог ва монологлар орқали ифодалаш, қаҳрамон характеридаги белгиларининг ривожланишини унинг сўзлари орқали кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

«Диалоглар ва монологлар умумий хусусиятларга эга. Бу субъектив мансублилигини, ўзининг «муаллифлик ҳуқуқини» (хусусий ва ижтимоий) билдирувчи ва тасдиқловчи луғавий тузилиш, ёки бошқача айтганда эштилиб турадиган инсон овози, у эмоционаллиги бўйича бетараф, бироқ луғавий бирликка яқин бўлган ҳужжатлардан, инструкциялардан, илмий формулалардан тубдан фарқ қилади.»¹⁶

Бизга маълумки, асарларда образлар ҳаракатни ривожлантирувчи куч сифатида қўлланилади. Хусусан, бадиий асардаги асосий мазмунни биз образлар орқали тушунамиз. Асарда қатнашган ҳар бир қаҳрамоннинг алоҳида роли бор. Майли у асарнинг бош қаҳрамони бўлсин, майли иккинчи даражали қаҳрамон бўлсин, ҳар бир қаҳрамоннинг шу асарнинг яратилишида маълум бир вазифаси бўлади. Ёзувчи ҳар бир қаҳрамонга шу давр, шу жамиятнинг ёритилишида маълум даражада масъулят юклайди. Улар ўз бадиий фикрини мукаммал образлар воситасида, образларни асарда бадиийлаштириб бериш, таъсирчан ифода, хатти-ҳаракатлари орқали етказиб беради.

К.Рахманов насрида аниқланадиган ҳаёт ҳақиқати катта қисми қаҳрамон диалогларида берилади. Ёзувчи асарларидаги ҳар бир персонаж муаллиф

¹⁵ Ахметов С, Султанов Қ. Ўзбекистон адабиёт ва санъат тарихи. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. - Б. 55-56.

¹⁶ Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2000. - С. 196.

нутқи билан эмас, ўз нутқи, фикрлаш тарзи билан ўзини намоён этади. Шу зайлда ёзувчи асарларида кўплаб қаҳрамонларни қатнаштириб бориб, уларнинг орасидаги конфликтлардан маълум бир ғоявий мазмунни ҳал қилишни мақсад қилганлигини кўрамиз.

Диссертациянинг «**К.Рахмановнинг ижодида жанрлар тараққиёти ва бир-бирига таъсири**» деб номланган иккинчи бобида К.Рахманов ижодида жанрлар тараққиёти, шоир лирикасида лирик қаҳрамон ижтимоий-маиший турмушини ифодалашдаги моҳирлиги ҳамда «О дуньяға мирёт» пьесаси «Ақибет» романи бўлиб, «Нөсер» қиссаси «Лаққылар емлеўханада» комедияси бўлиб қайта ишланишида муаллиф маҳорати жиддий ўрганилган.

К.Рахманов ўз ижодида уч адабий турида ҳам асарлар яратган муаллифлар қаторига киради. У адабиётга дастлаб шоир сифатида кириб келган бўлса, шеъриятда лирик жанрларда ҳам, лиро-эпик, лиро-драматик жанрларда ҳам асарлар яратди. Шоирнинг лирикаси ўз-ўзидан мураккаблашиб, жанрий кўп хилликка юз тута бошлайди. Унинг шеъриятидаги ўсишни ўз вақтида таниқли шеърият тадқиқотчиси профессор С.Ахметов ҳам таъкидлаган эди: «Кенесбай Рахмановнинг адабиётнинг барча жанрларида сермахсул ишлаб келаётганини биз яхши биламиз. Шеърият соҳасида унинг ўз намунаси бор, таъсирчан шеърлари, поэмалари етарли.»¹⁷

«Ёш шоирнинг «Туйық пикирлер» деган туркумда берилган «Алтылык», «Сегизликтери» ҳам образли тафаккури билан қимматли. У кўпроқ шоирликнинг муваффақиятли қадамларини шу қисқа маъноли шаклдан ахтариб топади. К.Рахмановнинг шеъриятидаги фикрий теранлиги ўз-ўзидан кучайиб боришда, туюқ шеърларига фикр мантиқийлиги, поэтик аниқлик, образлилик хос.»¹⁸

Шоирнинг лирик қаҳрамонлари бир асардан иккинчисида аста-секин шаклланиб, ривожланиб боради. У энди муҳаббат йўлида энтикиб, куйиб-пишиб юрадиган савдойи ёки муҳаббатнинг тотли дамларини эсга олиб ўтирадиган ўйчан лирик қаҳрамон эмас. У Ватанни севадиган, шу туйғуларини бошқаларга ҳам тарғиб қиладиган, юрт гуллаб-яшнаши учун ўзини масъул ҳис қиладиган ўйчан, етук лирик қаҳрамон. У ватан тақдирига ўзини масъул сезади.

Боши Наврўзнинг оппоқ қоридек,
Қайтиб севмоқликни уқтирса отам,
Дарёнинг тоғлардан бошланганидек,
Она юрагидан бошланар Ватан.

Онанинг кўксидан кенглик олган у,
Отанинг қонидан тенглик олган у,
«Останонгдан бошланар...» деган ёлғон у,
Она юрагидан бошланар Ватан..¹⁹

¹⁷ Ахметов С. Талантқа талап. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. - Б. 390.

¹⁸ Ахметов С. Қарақалпақ совет поэзиясы. – Нөкис:Қарақалпақстан, 1988. - Б. 361-362.

¹⁹ Рахманов.К. Сәлем, жаңа әўлад. .Нөкис, Билим 2017, -Б. 30-31.

Ҳар бир инсон Ватан олдидаги бурчи, вазифасини шундай тушуниши керак. Энди лирик қаҳрамон кенг фикрлай олади. Аввалги шеърларидагидек у бир ёки икки муаммо атрофида фикрламайди, унинг безовталиги кенг. Демак, шоир лирик қаҳрамонлари динамик. Бу ҳолат К.Рахманов ижодида жанрлар тараққиётини ҳам кўрсатиб беради. Шоир маҳорати, асарларининг бадиий даражаси аста-секин юксалиб боради. Буни ижодкорларда бўлиши керак бўлган салмоқли жараён сифатида баҳоласа бўлади.

К.Рахманов лирик жанрларни ривожлантириш устида тинимсиз иш олиб борди. У ҳар хил жанрларда қалам тебратди. Шарқ ва Ғарб адабиётига хос бўлган лирик шаклларни яратди. Масалан, октава Ғарб адабиётига хос бўлган лирик шакл. Бу шаклга қўйиладиган бадиий талаблар бор. Шунинг учун ҳам бу жанрда ҳамма шоирлар ҳам қалам тебрата олмайди. Профессор Қ.Оразимбетовнинг тадқиқотида кўрсатилишича, қорақалпоқ адабиётида октава жанрида фақат И.Юсупов ва К.Рахмановлар қалам тебратган.

«Шоир К.Рахмановнинг «Институт октавалари» деб номланадиган октавасида бадиийлик юксак даражага кўтарилади. Бунда шоирнинг ташбех танлаши, лирик қаҳрамон ўзи таҳсил олган ўқув даргоҳига нисбатан қайноқ туйғулари бадиийлаштирилиши маълум маънода муносиб баҳога лойиқ»²⁰.

К.Рахманов ижоди XX асрнинг 70-йилларининг иккинчи ярмида ўзининг балоғат палласига кирди. Шу йиллари у кўплаб драматик ва насрий жанрларда ижод қилди. Эпик ва драматик талқинда ҳар хил мавзу, турли жанрда қаҳрамонлар руҳий дунёси, характери, психологиясини очиб беради.

Драматург бу босқичда кичик ҳажмли драматик асарлар яратиш маҳоратини эгаллайди. Ижодкорнинг бундай асарлари услубий томондан ихчамлилиги, образларни сахнага мослаштира олиши билан ажралиб туради. Айниқса, муаллифнинг шу йиллари ёзган «Лаққылар емлеўханада», «Тоғыз тоңқылдақ бир шиңкилдек», «Ынжықтың муҳаббаты» сингари асарлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Уларда кенг кўламдаги ҳаёт манзаралари тасвирланмагани билан бир ёки бир неча қаҳрамоннинг турмушидаги кичик ҳодисаларни тасвирлаб бериш билан бадиий ечим ярата олди. Бунда муаллиф турмушни кенг ўрганганини, ўз устида шошмасдан ишлаганини, драматургия сирларини пухта ўзлаштирганини кўрамыз.

Театр танқидчиси Ж.Хожанов таъкидлаганидек: «К.Рахмановнинг асарларида шу вақтгача сахналарга, актларга, репликаларга бўлинмаган бўлса, энди наср ва шеърятда туғилган ёзувчи қисса, суҳбат ва поэмаларининг қаҳрамонлари театр сахнасига чиқди»²¹.

Драматург кейинги пьесаларида мукамал бўлмаган характер, осон бахт, оддий ҳолат ва ҳодисаларни қўлламайди. Унинг ҳар бир асари марказида ижтимоий ва ғоявий тарбия масалалари туради. Муаллиф ўз асарларида шахс муваффақияти, қувончи, шодлиги, мусибати, қайғуси, ижтимоий муаммони тасвирлайди. К.Рахмановнинг пьесаларидаги образлар, характерлар ва ундаги конфликтлар реал ҳаётдан олинган бўлиб, муаллиф ўз

²⁰ Оразымбетов Қ. Таңламалы шығармалар топламы. Еки томлық, 1-том. – Нөкис: Билим, 2018. - Б. 173.

²¹ Хожанов Ж. Драматургиямыздың ҳәзирги табыслары // Әмиўдәрәя, 1985. - № 3 - Б. 107.

қахрамонларини бизлар яшаётган бугунги кундан излайди, уларни замондошлар орасидан топа билади. Шунинг учун ҳам унинг замонавий мавзуда ёзилган драмалари ҳам, эпик асарлари ҳам муваффақиятли чикди.

«Нөсер» қиссасида К.Рахманов қахрамонларнинг шундай хулқидаги ва ташқи шакллардаги хусусиятларига қараб уларни лақаблари билан атайди. Жумладан, шуларнинг бири Даўен жинни, унинг портрети асарда бундай яратилган: «Аёли уриб бошини ёрган деган миш-миш тарқалиб ётган киши қирғий хулқ, баъзида четимиздан бесабаб бақиради-да, тинчгина ётиб қолади, ёки қизиқчилик қилади. Кимнинг изидан мазали овқат кўп келса, унга ундан яхши одам йўқ. Ўзининг изидан одам келганини кўрмадик. Унинг бунга ори келгани йўқ, қайтанга уйидаги машмашадан қутулганидан бери икки юзи солиниб, боқимдаги тўқлидай семириб боряпти».²²

Даўеннинг бундай катти-ҳаракатларининг берилиши орқали дастлаб у ўқувчида ёқимсиз, кўриниши абгор одам сифатида таъсир қолдириши мумкин. Аслида эса оққўнгил, ҳаётнинг кўп синовларидан ўтган жабрдийда инсон. Буни биз асарда сўз юритиладиган воқеалар давомида кўринади.

Биз муаллифнинг комедия жанрида ёзилган «Лаққылар емлеўханада» пьесаси ҳақида гапирганда, у «Нөсер» номли қиссаси асосида қайта ишлангани сахна ўйини услублари, театр типлари ёрқин кўзга ташланади. Шу боисдан ҳам, муаллиф ўзи қиссасининг асосий мазмунини ва бош ғоясини сақлаган ҳолда, унинг тузилишини ўзгартирган, жумладан, нутқ шаклида тузган. Бу пьеса билан К.Рахманов қорақалпоқ драматургиясига ўзига хос янгилик киритган, дея айта оламиз. Зеро, театр сахнасида ва адабиётда нутқ шаклидаги инцинировкалар бўлгани билан, асарлар жуда оз эди.

К.Рахманов драматург сифатида қорақалпоқ адабиётида яхши таниш. Унинг ижодининг кучи ҳам айни, шу жанрда кўринади. Айниқса, комедия жанридаги асарлари мутахассислар томонидан ҳам, томошабинлар томонидан ҳам яхши баҳоланади. Драматург трагикомедияни, трагедияни ҳам яратиши унинг кўп қиррали драматург бўлиб етишганини тасдиқлайди. Унинг кичик жанрдаги телеминиатюралари, бир актли пьесалари шу жанрларнинг талабларига мос келади.

К.Рахмановнинг ижодида жанрлар тараққиёти ва уларнинг бир-бирига таъсири бошқа ижодкорларда деярли учрамайдиган ҳолат. Уч адабий турда ҳам унумли қалам тебратиб, шу орқали асарларининг жанрий ҳар хиллигига эришгани унинг қорақалпоқ адабиётидаги тутган ўрнини аниқлаб беради.

Диссертациянинг **«К.Рахманов асарларида образлар дунёси ва драматизм»** деб номланган учинчи бобида драматург пьесаларида қахрамон образи яратилиш хусусиятлари ва қиссаларидаги драматизм таҳлил қилинган.

К.Рахманов қорақалпоқ адабиётига кўплаб драматик образлар олиб киради. Улар характери, портрети ясаиши бўйича такрорланмас образлар даражасига кўтарила олди. Драматург талқинида персонажлар жорий кун,

²² Рахманов К. Ақибет. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. - Б. 317.

биз билан бирга яшаётган одамлар бўлгани ҳолда драматург қаламида қайта ишланиб, бойитилиб бадиий образлар даражасига кўтарилади ва муҳим белгилари билан ўқувчилар, томошабинлар ёдида узоқ сақланади. Айни шу сифатлар драматургнинг бадиий тафаккур даражаси, моҳирлигини англатади. Диссертацияда К.Рахманов сахна асарларида бадиий образлар ва драматизм масаласи уйғунлашуви ўзига хос тарзда таҳлилга тортилади.

